


Meros

№ 2/2024

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

ПРОФЕССОР АШРАФ АҲМЕДОВНИНГ 85 ЙИЛЛИГИ

Ҳасанов М. Кетди (Марсия) 3
Каримова С. Илмга бахшида умр 4
Абдуллаев Б., Куранбаева У. Профессор Ашраф Аҳмедов китоблари 10
Hogendijk J. Professor Ashraf Akhmedov and the Qanun Mas‘udi of Abu Rayhan Biruni 15
Demirci M. Al-Bīrūnī’s Contribution and Leading Role to Historical Criticism in Islamic Historiography 27
Жуманазаров А. Ғиёсиддин Жамшид Кошийнинг давомчиси 43
Куранбаева У. Абу Райҳон Берунийнинг “Фиҳрист”ига кирмаган асарлари хусусида 56
Каримова С., Ибрагимов Ф., Куранбаева У. Абу Райҳон Беруний илмий меросини ўрганишда замонавий технологиялар 66
Бўриев О., Фаромарз Ф. Фарғоний илмий меросида географик билимлар 79
Ибрагимов Ф. “Кичик тиб қонуни” амалий қўлланма сифатида 92

Bagheri M. A Newly Found Letter of Al-Kashi on Scientific Life in Samarkand 102
Абдуллаев Б. “Зижи жадиди Гурагоний” – Мирзо Улуғбек академиясининг энг муҳим ютуғи 123
Абдухалимов Б. Из Самарканда в Стамбул: Али Кушчи и выставка его рукописных коллекций 130

ТИЛШУНОСЛИК
Нурутдинов Ҳ.
“Элчи”, “элчилик” атамаларининг тадрижий тараққиёти тарихидан 138
Salimova Z. Turk va o‘zbek tillarida fitomorf birliklar orqali inson obrazining ifodalanishi 164

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2024 йил 4 ноябрдаги 9-мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия этилди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Акрам Ҳабибуллаев
(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)
Роиқ Баҳодиров
Омонулло Бўриев
Дагели Жанин (*Германия)*
Абдусаттор Жуманазаров
Зоҳиджон Исломов
Одил Қориев
Аширбек Мўминов *(Туркия)*
Дурбек Раҳимжонов
Ўктамбек Султонов
Нурёғди Тошов
Аҳад Ходжаев
Дилором Юсупова
Санжар Ғуломов
Маҳмуд Ҳасанов

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон*: (8 371) 262-54-61,*
Факс*: (8371) 262-52-77*
E-mail*: beruni1@academy.uz*

08.09.2025 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 $^{1}/_{16}$. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 11. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №: --. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриётида нашр этилди.

ТИЛШУНОСЛИК

Ҳ. Нурутдинов

“Элчи”, “элчилик” атмаларининг тадрижий тараққиёти тарихидан

Дунёдаги барча тиллар каби ўзбек тилининг луғат таркиби ҳам ўзининг тадрижий ривожланиш босқичларидан ўтган. Илк даврларда у туркий қабила тиллари ва баъзи қадимий чет тилларнинг айрим лексик элементларини ўзида бирлаштирган бўлса, кейинчалик араб, мўғул, рус, уйғур, хитой тиллари оиласи ва бошқа тиллардан сўзлар қабул қилинган.

Туркий тиллар оиласига мансуб тиллар қатори бошқа тиллар билан ёнма-ён мулоқотда бўлган тиллардаги ил/эл, илчи/элчи, илчилик/элчилик, умуман олганда, замонавий даврда дипломатия соҳасига тааллуқли атамаларни/сўзларни тарихий-қиёсий тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Биринчидан, мавзу тадқиқининг аҳамияти шундаки, унинг жуда қадим замонлардан келаётгани. Иккинчидан, янги ўрта асрларга келиб, “ил” сўзининг “эл”га ўзгариши. Бироқ айрим туркий тилларда бу сўз ҳозирги вақтга қадар ҳам сақланиб қолган. Масалан, “илчи”, “илчилик”, яъни бу ерда савол туғилади, қайси бири ҳозирги дипломатия тамойилларига мос келади? Барчага маълумки, дипломатия давлатнинг ташқи сиёсатини тинчлик воситалари билан, ўзаро тенг ҳуқуқлик принциплари асосида ҳамкорликни амалга оширади. Дипломатия асосан тинчлик воситаси экан, қадимда туркий халқларда қўлланилиб келаётган “элчи” сўзининг ўзаги “ил” тадқиқига урғу беради. Шунингдек, мақолада сўзнинг Ўзбекистон ва қўшни давлатлар ҳудудида, умуман, туркий тиллардаги “элчи” сўзи билан боғлиқ сўз жумлалари қиёсий ўрганилади.

“Ил/эл” – ایل\ائل [ил/эл].

В. Радлов (1837–1918) “Туркий лаҳжалар луғати тажрибаси” номли луғатида ўрганилаётган “ил/эл” сўзи эски ўзбек/чиғатой, уйғур, озарбайжон ва бошқа туркий тилларда тинчлик, розилик/иноқлик, тотувлик, ҳамжиҳатлик, муроса маъносида келади. Бунга мисоллар сифатида Носириддин Бурҳониддин ўғли Рабғузийнинг (XIII аср охири – XIV аср бошлари) “Қисаси Рабғузий” асаридаги ایل اشاسون یوز یاشاسون [Ил ошасун, юз яшасун] “Тинч яшаб, юз йил яшасин” жумласини [21: 11] ҳамда эски ўзбек тилида (“чиғатойча”да) ایل ومطیع اولماق [Илу мутъэ ўлмоқ] “Тинч ва итоаткорона яшамоқ” жумлаларида “ил/эл” сўзининг тинчликка оидлигига ишора берган. Шунингдек, қўшимча қилган ҳолда, ушбу сўз тинчлик, келишув, қабила, оила, бир ҳудуд аҳолиси, жамоа маъноларини бериши билан бирга, илк қўлланилиши даврида эҳтимол кўчманчиликда бирга тинч-тотув яшаганларга нисбатан қўлланилганини таъкидлайди [25: 803–808].

Бунга қарама-қарши тушунчани Л. Гумилёв (1912–1992) “Қадимги турклар” асарида қуйидагича таъриф беради: “Биринчи турк хоқони Бумин “ил-хон” мартабасини Жужанларни забт этмасдан олдин туркий қабилаларни ўз қабиласига бўйсундиргандан сўнг ایل \ ائل [эл/ил] сўзи туркий давлатларга нисбатан қўлланилишини келтиради. Бироқ ایل \ ائل [эл/ил] сўзининг С. Малов (1880–1957) томонидан таржимасидаги “қабилалар иттифоқи”, “давлат”, “халқ” тушунчаларига В. Радлов, Н. Мелиоранский (1868–1906), В. Бартольд (1869–1930), В. Томсен (1842–1927) ва Ф. Хирт (1845–1927)лар қўшилишларини нотўғри эканлигини билдириб, қомусий олим Рашидуддин Фазлуллоҳ ибн Имомуддавла Абулхайр Али Ҳамадонийнинг (1247–1318) “Жомеъ ат-таворих” (“Солномалар мажмуаси”) асарида ایل کردن [ил кардан] феъли “босиб олмоқ”, “забт (истило) қилмоқ”ка тўғри келишини таъкидлайди [11: 113–115]. Н. Гумилёвга кўра ایل \ ائل эл/ил сўзи босиб олинган, истило қилинган тушунчаларга тўғри келишини, лекин форсча-русча луғатда ایل сўзи қабила, элат сўзларини берса; оғзаки маъносида ایل کردن “ил кардан” эмас, балки ایل ساختن [ил сохтан] ва ایل شدن [ил шудан] феъли ўлароқ келтирилган, яъни оғзаки маъносида бўйсундириш, бўйсундирилишга мажбур қилмоқ, итоаткорликка келтирмоқ [23: 149].

Л. Гумилёвнинг ушбу сўз таҳлилини форс тили орқали эмас, аксинча бунга қадимги туркий ёзма асарлар, яъни Маҳмуд Кошғарийнинг (XI аср) “Девону луғат ат-турк”, Юсуф Хос хожибнинг (XI аср) “Қутадғу билиг” ва бошқа қадимги туркий ёзма манбалар асосида хулоса қилиши тўғри бўлар эди. Бунга умуман қарама-қарши маъноларни Девону луғат ат-туркнинг Индекс-луғатида *эл* – биринчи маъноси *эл, мамлкат, юрт* (рус тилида государство; страна, народ) тушунчаларини берса, иккинчи маъносида *келишув, битишув* (русчада мир, согласие) деб берилган. [12: 42]

Қутадғу билигнинг “Ўгдулмуш элигга лашкарбоши, сипоҳсолар қандай (бўлиши) кераклигини айтади” номли бобининг 2326 ва 2327 сатрларида [34: 386–387]:

Қутадғу билиг тилида	2326	Қалы басғуқа булмаса сэн йоры Йалавач ыдыб сэн бар **элләш йуры**
Ҳозирги ўзбек тилида		Агар босишга сен илож тополмасанг, Элчи юбориб сен бор, **эл бўлиб юр**.

Қутадғу билиг тилида	2327	Тилин арсық **эл бол** көдэзгил өзун Тоқушқа эвинмәгу кэсгил сөзун
Ҳозирги ўзбек тилида		Тилда юзаки **эл бўл**, ўзингни эҳтиёт қил, Урушга шошилмаслик керак, сўзни тугат.

Қутадғу билигдаги **элләш йуры** ва **эл бол,** ҳозирги ўзбек тилидаги **эл бўлиб юр** ва **эл бўл** жумлалари келишувда ёки тинчликда ёки муросада *бўл/юр* деган маънолар берилмоқда.

Айнан ушбу сатрларнинг туркча таржимасида ҳам (2362 ва 2363) [59: 204] “эл” сўзи келишув, тинчлик ўлароқ таржима қилинган.

Қутадғу билиг тилида	2362	Қалы басғуқа булмаса сэн йоры Йалавач ыдыб сэн бар **элләш йуры**
Ҳозирги турк тилида		Yenmek için çare bulamazsan eğer **Anlaşmaya varmak** için sen elçi gönder

Қутадғу билиг тилида	2363	Тилин арсық **эл бол** көдэзгил өзун Тоқушқа эвинмәгу кэсгил сөзун
Ҳозирги турк тилида		Dilinle oyala, **barışçı ol**, koru kendini Savaşmak için acele etme, kes sözünü

Яъни Қутадғу билигдаги **элләш йуры** ва **эл бол,** ҳозирги турк тилида **Anlaşmaya varmak** ва **barışçı ol** жумлалари *келишмоқ ва тинчлик тарафдори бўл* деб таржима қилинган.

Туркийшунос олим Л.З. Будагов (1812–1878) икки жилдлик “Туркий тиллар қиёсий луғати”ни (1869, 1871) тузишда Алишер Навоий (1441–1501), Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483–1530) асарларидан фойдаланган. Унда ایل\ائل “ил/эл” – халқ, қабила, инсонлар жамоаси маъноларини бериши келтирилади [10: 203–204]. Шунингдек, Л. Будагов ҳамюрти шарқшунос олим Н. Илминский (1822–1891) томонидан “Бобурнома”нинг танқидий нашридан ایل\ائل [ил/эл] сўзига мисол сифатида қуйидаги жумлани келтиради: چریك نی چول زردك داغی ایيل و اولوسنی چابقالی يیباردی [“черикни чул-э Зардакдағи “ийил” ва “улусни” чобқоли йиборди”] [5: 71], яъни ҳозирги ўзбекчадаги табдилда “лашкарини Зардак чўлидаги эл ва халқни талон-тарож қилиш учун юборди” [15: 62]. Л. Будагов Бобур томонидан кўчманчи қабилага нисбатан ایيل [ийил], бир қанча қабила, уруғ, ўрда иттифоқидаги ҳудудий бирлашмага нисбатан اولوس [улус]ни қўллаганлигини келтиради. Бунга қўшимча қилган ҳолда Бобур сўз қофиясига кўра икки мартта ёй ҳарфини қўллаб “...ийилу улусни...” деб ўқилишини назарда тутган бўлиши мумкин.

Л. Будагов томонидан юқорида келтирилган Бобурномада худди шундай ایيل [ийил] сўзининг қўлланилиши Бобурнинг амакиси Султон Аҳмад мирзонинг (1451–1494) Андижон қалъасига босқини арафасидаги воқеани ёритаётганда кўриш мумкин, масалан, بو سیاست تین تمام ایيل باسیلدیلار ... [... Бу сиёсаттин тамом ийил босилдилор] табдилда: “... Бу сиёсатдан бутун эл тинчиб қолди” [5: 20; 14: 73; 15: 38]. Яъни, бу ерда мазкур ایيل [ийил] сўзини Бобур юрт тинчлигига нисбатан қўллагани маълум бўлмоқда.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғат ат-турк” (“Туркий сўзлар девони”) асарида ایل\ائل [ил/эл] сўзи – эл, мамлакат, юрт, вилоят, ҳокимият, шаҳар; келишув, битишув маъноларини бериши келтирилган. Шу билан бирга, ушбу сўз икки шахс орасидаги келишув, ярашув маъноларини бериши қайд этилган [12: 83].

Қадимий туркий луғатда ایل\ائل [ил/эл] сўзи қабилавий иттифоқ, қабилавий ташкилот, халқ, давлат, маъмурий бирлик ёки эл-улус

қўшма сўз бўлиб, давлат, юрт, мамлакат маъноларини бериши келтирилган [13: 168–169].

Ушбу сўзни андалусиялик олим Абу Ҳайён Андалусий Асируддин Муҳаммад Ибн Юсуф Ибн Али ал-Ғарнотий (1256 йил Гренада, Андалусия – 1334 йил Қоҳира, Миср) томонидан 1312 йилда яратилган “Kitab al-İdrak li lisan al-Atrak” (“Туркий тилларни билиш китоби”) асарининг туркча таржимасида “**il**” сўзининг биринчи маъноси *эл, мамлакат* бўлса, иккинчи маъноси *сулҳ*, яъни тинчлик ўлароқ қайд этилган [43: 38]. Ушбу асарни туркчага таржима қилган Аҳмет Жафар ўғли Абу Ҳайённинг келиб чиқиши бадавий араблардан бўлиб, Мисрга борган ва шу ерда умрининг охиригача яшаб, Мисрдаги мамлукларнинг туркий тилларини тушуниш учун яратган асари деб қайд этмоқда. Шу билан бирга, асарда кўпроқ қипчоқ ва туркман шеваларидан сўзлар олингани, татар, булғор, тоқсуба, уйғур туркий уруғларининг шеваларидан ҳам қисман фойдалангани келтирилади.

С.М. Муталлибов томонидан араб тилидан таржима ва нашрга тайёрланган “Ат туҳфат аз-закия фи-л-луғат ат-туркия” (“Туркий тил (қипчоқ тили) ҳақида ноёб туҳфа”) номли асарда ҳам ائل “эл” сўзи *сулҳ*, яъни тинчлик маъносини бериши қайд этилган [3: 77]. Китобда қўлёзма асар XIII–XIV асрларда яратилган бўлиб, туркий қабилалар ўртасида кенг қўлланадиган тил сифатида қипчоқ тилига асосланган билдирилган.

Шу билан бирга ҳозирги вақтда масалан, “il” сўзи турк тилида “вилоят” ва “туман” маъноларини бераётганлигини кузатиш мумкин. Демак, Туркияда ҳозирги вақтда ҳам вилоят – “il” туман – “ilçe” деб номланиши айнан қадимги маъносида қўлланилмоқда. В. Радлов луғатидаги таклифидан келиб чиққан ҳолда, илк туркий қабилалараро муносабатлардаги низолар, қарама-қаршиликлар, турли зиддиятларни тинч йўл билан ҳал этиш бўйича “илчи”/“илчилик” фаолияти пайдо бўлган ва шаклланган. Туркман ва қозон-татар тилларидаги луғатларда *халқ, инсонлар, мамлакат/давлат, ўлка* маъноларини берса, “il bolmak” феъли эса – *аҳллик, иноқлик, тотувлик, баҳамжиҳатлик, муросада бўлмоқ* маъноларини бермоқда. Шу билан бирга туркий тиллар оиласига мансуб бўлмаган мўғул тили луғатида “ил” сўзи туркман, қозон-татар тилларидаги маъно жиҳатига яқин бўлиб, яъни

дўст, иттифоқдош, ил улс – иттифоқчи давлатлар маъноларини берувчи сўзлар келтирилган [9].

Ҳозирги вақтда ҳам Туркманистонда элчихона ва элчи сўзлари “il” сўзи орқали ясалмоқда, масалан, Туркманистон Ташқи ишлар вазирлигининг веб-саҳифасида қуйдагича келтирилган: Türkmenistanyň Awstriýa Respublikasyndaky Ilçihanasy, Amannazarow Hemra Sapargylyjewiç, Adatdan daşary we Doly ygtyýarly Ilçi (Туркманистоннинг Австрия элчихонасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Аманназаров Ҳемра Сапаргилиевич) [30].

Ўзбек тилида эса “ил” сўзи мавжуд эмаслиги, лекин қадимдан Ўзбекистон ҳудудида ҳам “ил” ўзакли сўздан ясалган мақол, яъни э*ллаштирмоқ – элчидан, ёвлаштирмоқ – ёвчидан* [32: 375] орқали билиш мумкин. Бунга ўзбек тилининг морфем луғатида ил/иш ва феъли ил/иш/моқ ўлароқ келтирилган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида сифат хусусиятли сўз бўлиб илашимли(к) – қўшилиб, аралашиб, қовушиб кетаверадиган хусусиятли сифатни бермоқда. Унинг феъл сифатидаги сўзи илашмоқ – (*5 кам қўлланилишида)* қовушмоқ [36: 188; 41: 107] мавзуга оидлигига кўра маъноси келтирилган. Бунда морфем ва изоҳли луғатларда келтирилган илишмоқ/илашмоқ феъли таҳлил мавзусига кўра қовушмоқ, унинг мажҳул феълда қовуштирмоқ, масалан: *икки инсон/давлат* ўртасидаги зиддиятни тинчлантирмоқ, яъни уларни *қовуштирмоқ/келиштирмоқ* тушунилади. Демак, “Ўзбек тили сўз ясалиши тизими” китобида сифатлардан – *лаштир* аффикси ёрдамида *иллаштирмоқ* мажҳул феъли ясалган. [42: 145–165]

Таҳлилларимизга нисбатан яна бир асос сифатида туркийшунос олим Жерард Клосоннинг (1891–1974) “XIII асргача бўлган туркий тилларнинг этимологик луғати”да Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” (“Саодатга йўлловчи билим”) асарининг туркчадаги “yalavaç ıdıp sen bar elleş yorı” 2362-рақамдаги 2-сатрини инглизча таржимасида “send an ambassador and go and make peace with him” ва ўзбекчада “элчини юборинг, боринг ва у билан тинчлик ўрнатинг” деб таржима қилинган. Ж. Клосон луғатида “elleş” ёзилган бўлиб, “Қутадғу билиг”нинг туркча таржимасида “illeş” келтирилган ва шунга асосан таржима амалга оширилганлиги маълум бўлмоқда [55: 250; 56: 153].

Шунингдек, тарихчи олим Эдвард Олворс (1920–2016) “Замонавий ўзбеклар: XIV асрдан ҳозиргача – маданий тарих” номли асарида ўрганилаётган мавзуга доир фикр-мулоҳазалари келтирилган [46: 85–90]. Асарнинг “Дипломатия” бобидаги “Ички дипломатия” [1] қисмида *элчилик, ялавоч* атамаларининг қисқача таърифини келтириб, асосан, Марказий Осиё ҳудудида мавжуд бўлган Шайбонийлар ва улардан кейин пайдо бўлган хонликлар ўртасидаги элчилик муносабатлари ҳамда Чор Россияси, Бобурийлар, Сафавийлар ва бошқалар билан ҳамкорлик ва ижтимоий-сиёсий масалаларга қисқа тўхталган. Шуни таъкидлаш ўринлики, муаллиф “Ички дипломатия” қисмида қадимдан туркий кўчманчи қабилалар ўртасидаги илк даврлардаги қўлланилиши *“ил”, “илчи”, “илчилик”* тушунчалари бўйича маълумотга эга эмаслигини кузатиш мумкин. Бундай ҳол кўпгина манба ва луғатларда ҳам мавжуд бўлиб, “ил”нинг “эл”га ўзгарганлигига кўра эътибордан четда қолган бўлиши мумкин [26: 461–462; 48: 194–201].

Туркий халқларнинг кўчманчи қабилалари давлатчилик бошқаруви тизимларига эга бўлиб бориши ҳамда улар ўртасидаги ўзаро уруш, келишмовчилик, зиддиятларни тинч йўл билан ҳал этиш, ўзаро келишувга эришиш воситаси сифатида “илчи”/“илчилик” орқали амалга оширилганлигини кўпгина манбалар тасдиқламоқда [1; 8; 13; 42; 47].

“Эл” / ائل [эл].

Юқорида “ил” сўзининг тадрижий ривожланиши кўриб чиқилган бўлса, “эл” сўзининг таърифи “Ўзбек тилининг этимологик луғатида (туркий сўзлар)” қисман ёритилган. Қадимги туркий тилда и:л тарзида талаффуз қилинганлиги ва ўша даврлардаёқ **и** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолганлиги ҳамда бу унли **э** унлисига и:л > ил > эл га алмашиши натижасида эл шаклида қўлланилмоқда [26]. Ушбу таърифга қўшимча қилган ҳолда, қадимий туркий тилларда “ил” сўзидаги чўзиқ и: қисқа **э** унлисига ўзгарган, “Ўрхун-Энасой” ёзувлари ўрнига араб ёзуви қўлланган, шунингдек, “ил” сиёсийлашган. Ж. Клосон юқорида қайд этилган луғатида элни қуйидагича таърифлайди: “мустақил ҳукмдор томонидан ташкил этилган ва бошқариладиган сиёсий бирлик”. Турклар халқаро сиёсий жараёнда фаоллаша бошлагач, “ил” сўзи *уюшган халқаро муносабатлар, мамлакат, вилоят, одамлар, жамият, тинчлик* каби

[1] Муаллиф “ички дипломатия” деб, Мовароуннаҳр ҳудудидаги хонликлар ўртасидаги ҳамкорлик воситасига нисбатан қўллаган бўлиши керак.

маъноларни англатиши келтирилган [56: 121–122], кўчманчи туркий халқлардаги яшаш тарзининг тадрижий тараққиёти натижасида “эл” орқали ифодаланишига олиб келганлигида деб қараш ҳам мумкин. Шу сабабли барча туркий шеваларда “эл” сўзи ўзининг кенг маънолиги билан ажралмоқда. Ушбу сўзнинг жуда кенг маънода қўлланилиши озарбайжон, турк, туркман ва бошқа туркий тилларда кузатиш мумкин. Мисол учун, озарбайжон тилида: “әл-әлә вермәк” – қўлни-қўлга бериб, дўстона, аҳиллик билан; “әл гатмаг” – қандайдир ишга аралашмоқ; “әлә душмәк” – қўлга тушмоқ, бирор ҳолга тушмоқ ва б.; туркман тилида “эл иши” – қўл иши, қўл меҳнати; “эл галдырмак” – қўлини кўтариши билан овоз бермоқ, қўлини кимгадир кўтармоқ ва б. [2: 127–128; 31: 782–783].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “эл” сўзи бир жойнинг одамлари, аҳолиси, халқи; бир қабилага мансуб одамлар; миллат, халқ; юрт, диёр, мамлакат, чет эл тушунчаларини бериши қайд этилган. Шу билан бирга ушбу сўз эл бўлмоқ, яъни кимса билан ўз кишисидек яқин, дўст бўлмоқ; чиқишмоқ каби тушунчаларни бериши ҳам келтирилган [37].

Туркманча ва туркча луғатларда эл сўзи ўзбек тилидаги қўл маъносини бериб, у билан ясаладиган қўшма сўзларни ташкил этади. Шунингдек, туркчада эл сўзи қабила, халқ, ўгай инсон, бегона, мамлакат, ўлка, вилоят каби маъноларни беради [28: 265–268; 31: 782–783]. Бу сўз озарбайжон, қозоқ тилларида жамият, халқ, қабила, мамлакат, тинчлик маъноларини берса, қирғиз тилида маънолари кўплиги билан ажралиб туради, масалан, қабилавий иттифоқ, уруғ-аймоқ, қабила, халқ, инсонлар, тинч аҳоли, мамлакат, давлат каби. Уйғурча-русча луғатда аввал давлат, сўнг қишлоқ, аҳоли яшаш жойи, халқ маънолари келтирилган бўлса, иккинчи маънода ўзбек тилидаги қўл тушунчаси берилмоқда. Қозон-татар тилида эса “эл” сўзининг умуман мавжуд эмаслиги маълум бўлмоқда.

Туркийшунос олим Герхард Дёрфернинг (1920–2003) “Янги форс тилидаги турк ва мўғул сўзлари луғати”да ایل/ائل [эл/ил] сўзи тинчлик, розилик, иноқлик, тотувлик, ҳамжиҳатлик, муроса, келишув, қабила, оила, кўчманчиликда тинч-тотув, итоаткорона яшаётган тинч аҳоли, халқ, шунингдек, давлат, мамлакат ва шу каби маъноларни берган [48: 194–201].

Шарқшунос олимлар Паве Де Куртейл (1821–1889) ҳамда Барбе де Мейнар (1826–1908) асарларида ائل [эл] сўзи одамлар,

жамият, итоаткор/тинч аҳоли маъноларини беришини келтирган [45: 234–235; 52: 125].

Шарқшунос-мўғулшунос олима Татьяна Скринникова германиялик олим Марсел Эрдалнинг турк-мўғул унвонлари бўлган *“эл-хон” ва “элчи”* атамаларининг келиб чиқишини “эл” билан боғлиқлигини Г. Дёрфернинг тадқиқотларига асосланиб, унинг биринчи маъноси туркча-мўғулча *тинчлик, тинчлик ҳолати*ни англатишини ҳамда қадимги туркий тилдан мўғул тилига ўзлаштирилганлиги тўғрисидаги нуқтаи назарини келтиради. Т. Скринникова М. Эрдал томонидан турк-мўғул сўзи сифатида шарҳланган “эл” атамаси XII–XIII асрларда мўғул тилида *тинчлик* маъносида деярли ишлатилмаганини қайд этади. Шунга қарамай “эл” тинчлик маъносини бериши билан унга от ясовчи *-чи* аффикси билан “элчи” сўзи ясалиб, *тинчлик яратувчи, тинчлик бунёдкори* каби фаолиятлар билан шуғуланувчи касб эгаси номини беришини таъкидлайди [27: 371–379]. Шу билан бирга, Т. Скринникова “элчи” сўзи “Мўғулларнинг махфий тарихи”да 50 дан ортиқ қўлланганини билдириб ўтади. Бунга қўшимча қилган ҳолда “Мўғулча-русча катта академик луғат”да мўғулчадаги “эл” сўзи *халқ, давлат, қабила, келишув, тинчлик, дўстлик* ва ўз навбатида, *давлат, халқ* маъноларини бериши ҳам кузатилмоқда [9; 17].

Мўғул тиллари оиласига кирувчи қалмиқ тилининг “Қалмиқча – русча луғат”да “эл” сўзи фақат *тинчлик, осойишталик, ҳузур-ҳаловат, хотиржамлик; дўстлик* каби маънолар берилганлиги билан юқорида келтирилган тиллардан анча фарқланмоқда [17: 695]. Ушбу таърифга Т. Скринникованинг мўғул тилларига кирувчи қалмиқ тилидаги маънолари эътиборидан четда қолган ёки умуман билмаганлигида деб хулоса қилиш мумкин.

Шунингдек, Т. Скринникованинг “Чингизхон элчиларининг ҳуқуқий ҳолати ва вазифалари” мақоласига [27] қўшимча қилган ҳолда қадимги даврда давлат раҳбари ёки маъмурий-ҳудудий ҳоким яқиндан таниган, ишончини оқлаган, шу билан бирга мазкур давлатда ёки унинг ҳудудий бошқарув тизимларида кўзга кўринган, халқ/омма ҳурматига сазовор бўлган юқори мартабали шахслар элчи этиб юборилганлар ва кўп ҳолларда давлат ёки ҳудудий даражадаги юқори мансабдаги диний раҳбарлар элчи сифатида тайинланганлар. Бу ҳол Ғарб ва Шарқ давлатларида бирдек қўлланилганини кузатиш мумкин.

Таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда ўтмишда “элчи” маълум бир давлатни/ҳокимиятни ўзга давлатда намоён этувчи эмас, балки давлат раҳбари/ҳокимият бошлиғининг элчиси сифатида турли масалаларни ҳал этиш юзасидан юборилган. Бундай вазиятларга мисол сифатида Амир Темур ва Темурийлар даврида ўзга давлатларга элчи ва элчилик юборилганлиги ҳақида кўплаб манбаларни келтириш мумкин [1; 14; 58].

Қадимий луғатлар ва манбалар таҳлили натижасига кўра “ил/эл” сўзи тинчликда яшовчи қабилалар иттифоқига нисбатан шаклланганлиги кузатилади. Кўпгина туркий тиллардаги шева, лаҳжаларда “ил/эл” сўзи тинчликка оид маъноларни бериши билан бирга давлатчилик тизимларининг ривожланишига қадар кўчманчи туркий қабилалар ўртасида ўзаро тинч-тотув, иттифоқда яшаш, муроса асосида келишиш каби маъноларни бериши, элчилик соҳасининг шаклланишига асос бўлишини кузатиш мумкин.

Шу билан бирга, “ил/эл” сўзи илк давлатчилик тизимларининг шаклланиши, халқаро сиёсий жараёнда давлатларнинг ўрни сезилган даврдан эътиборан ва янги ўрта асрларга қадар инсонлар, халқлар, давлатлар ўртасида тинчликни сақлаш, ҳамкорлик алоқаларини яхшилаш, ривожлантириш, турли зиддиятларни олдини олиш ва ҳал этиш, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳаларнинг барча йўналишларида ўзаро муносабатларни тинчлик асосида ҳамда ички ва ташқи барқарорликни таъминлаш масаласида марказий ҳал қилувчи воситага айланиши қуйидаги таҳлилларда намоён бўлиб боради.

“Элчи”, “элчилик” / ايلچى، ايلچيليك

Юқорида “элчи”/“элчилик” сўзларининг ўзаги бўлган “ил/эл” сўзларининг тарихий-қиёсий тадқиқи амалга оширилиб, уларнинг маънолари қисман ўрганилди.

Навбатдаги таҳлил “элчи”/“элчилик” сўзларининг тадрижий тараққиётига назар ташлаган ҳолда, унинг туркий тиллардаги маънолари, вазифа ва мақсадларини қиёсий ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Демак, “ил”, “илчи” атамасининг илк ўрта асрларга келиб, тадрижий ривожланишига кўра, “қабилалар орасидаги этник, хўжалик, моддий ва маданий алоқаларнинг тобора ривожланиб бориши, бир қанча қабилалар бирлашиши, бу жараёнда этник бирликнинг янги тури вужудга келиши, бунда ҳудудий, иқтисодий, тил ва маданий

умумийлик асосида шаклланиши [33: 75–76] натижасида “элчи” ўлароқ қўлланилишига олиб келди.

В. Радловнинг “Туркий лаҳжалар луғати тажрибаси” номли луғатида элчи сўзи “älчі” [элчи] телеут, олтой, таранчи, коман, қирим, чиғатой, озарбайжон, усмонли туркча лаҳжаларида элчи, вакил, чопар, хабарчи ва уйғурчада давлат бошлиғига нисбатан қўлланилмоқда. Қирғиз тилида эса “elші” [элши] вакил, чопар, хабарчи ўлароқ қўлланилиши қайд этилган. Шунингдек, усмонли туркчасида буюк älчі – фавқулодда элчи; älчі кäбір – элчи; кучук älчі – вакил; орта älчі – ваколатли вазир; älчі вакili – элчи вазифасини бажарувчи [25: 828–829] маънолари берилиши билан бирга, Усмонли салтанатида элчилик соҳаси тизимлаштирилгани ҳамда лавозимларнинг даражаланганини кўриш мумкин.

Л. Будаговнинг “Туркий тиллар қиёсий луғати”да элчи сўзи чиғатой, уйғур ва қирғиз лаҳжаларида – *элчи, вакил, хабарчи, чопар, хат ташувчи* маъноларини бериши билан бирга ушбу сўз қадимги يلاچ [ялач], يلاوچ [ялавач] – *элчи, хабарчи* сўзларидан келиб чиққандир деб тахмин қилинмоқда. Шунингдек, ايلچى مخصوص [элчие махсус], ايلچى كبير [элчие кабир], ايلچى بيوك [буюк элчи] – фавқулодда вакил; كوچك [кучук] ёки ايلچى اورته [кучук ёки ўрта элчи] – интернунций; يورور ايلچى [юрур элчи] – кетаётган элчи; ايلچى ايشور [ишур элчи] – ўтиб кетаётиб, бораётиб, йўл-йўлакай учрашадиган элчи; шу билан бирга Л. Будагов Бобурномадаги ينه كيلورارور ايلچى بولسه (“яна келур-борур элчи бўлса”) “келур-борур элчи” жумласини ўша даврда вақтинча, маълум бир муддатга бошқа давлатдан келиб, қайтадиган элчи ва элчиликларга нисбатан мисол келтирилган [10: 206].

Қадимги туркий луғатда “elci” [элжи] – элчи, хабарчи, муҳим лавозимдаги шахс, ҳукмдор маънолари берилмоқда [13: 169].

Тарихдан маълумки, кўпгина тарихий ёзма асарларда “элчи/ элчилик” юборилди, келди, кетди жумлалари кўплаб учрайди. Бунда гап маъносига кўра “элчи” – бу чопар, хабарчи, хат ташувчи, почтачи, курьер бўлиши мумкин. Масалан, مينكا سلطان محمود ميرزادين عبدالقدوس بيك اتليق ايلچى كيلدى اولوغ اوغلى سلطان مسعود ميرزاغه اغاسى سلطان احمد ميرزانينك آق بيكيم اتليق ايكينچى قيزينى طوى و آيين بيله آلغان ساچيقتى كيلتوردى (“Менга Султон Маҳмуд мирзодан Абдулқуддусбек исмли элчи келди. Тўнғич

ўғли Султон Масъуд мирзо оғаси Султон Аҳмад мирзонинг Оқбегим исмли иккинчи қизини тўй-томошалар билан олганининг белгиси сифатида сочиқни келтирди.") [5: 31; 14: 81; 15: 43]. Мазкур жумладаги "элчи" сўзи асосан "чопар" маъносига тўғри келмоқда. Ушбу жумлани А. Бевериж (1842–1929) *чопар/хабарчи* сифатида [57: 43], Ж. Лейден (1775–1811) ва У. Эрскинлар (1773–1852) эса *элчи* ўлароқ қайд этганлар [51: 41]. Шунингдек, П. Де Куртейл, М. Салье (1899–1961) ҳамда туркиялик олим Р. Арат (1900–1964) таржималарида "элчи" деб берилган [6: 37; 52: 52; 54: 37]. Абдулқуддусбек исмли элчи нима учун "чопар" деб берилган? Нима учун деган саволга ўша даврда *элчи* деб, бу юборувчи ҳудудий маъмурий бошқарув ёки давлат раҳбарининг оғзаки ёки ёзма ҳужжати асосида юборилиши катта аҳамиятга эга бўлган. Темурийлар давлати ичидаги элчилар ҳозирги нуқтаи назарда кўпроқ *навкар, хос беги, чопар, хабарчи*ларга тўғри келади. Бунинг энг асосий вазифаси маълум бир топшириқни бажариш учун белгиланган манзилга, таҳликали ҳудудлардан эсон-омон ўтиб олиши учун элчи атамаси қадимий манбаларда кўплаб учрайди. Яъни қадим даврдан "Элчига ўлим йўқ" тамойилига барча амал қилган. Шунинг учун ҳукмдорлар, юқори мансабдаги задогонлар қадимги даврларда элчи хизматидан унумли фойдаланганлар. Бундан ташқари, ўша даврда ҳам маълум бир давлатдан бошқа давлатга элчи (бир киши) ёки элчилик (бир неча киши ёки ҳозирги даврда делегация) шаклида юборилган. Бундай элчи ва элчилик юборилиши икки давлат ўртасида ҳақиқий халқаро муносабатлар, халқаро ҳамкорлик, ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши деб қараш мумкин.

Кўпгина тарихий манбаларда маълум бир давлатга "элчилар юборилди" жумласи кўпликда қўлланилади. Бунда давлат ичидаги маълум бир маъмурий-ҳудуд ҳокимияти ўзининг элчисини ўзга давлатга юборилаётган асосий элчилик таркибига қўшиб юбориши сабабли "элчилар" деб қайд этилганлигини матндаги мазмунга кўра аниқлаш мумкин. Бундай вазиятларга оид мисоллар "Бобурнома", "Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн" ва бошқа асарларда кўплаб учрайди. Масалан, "Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн" асарида "Хитой подшоҳининг соҳибқирон ҳазратлари (вафоти) туфайли таъзия билдириш учун юборилган элчилари совға-саломлар билан етиб келдилар ҳамда ўз подшоҳлари сўзини арзга етказдилар. Ҳазрат

хоқони саид (*Шоҳруҳ мирзо – Н.Ҳ.*) улар борасида марҳамат ва иноятлар кўрсатиб, қайтиб кетишларига ижозат берди” [1: 144–145]. Мазкур асарнинг “Хитой подшоҳи элчиларининг келганлиги” сарлавҳали қисмида: “Шу орада Хитой вилоятидан, у мамлакатларнинг Чину Мочин ва бошқа ерлари подшоҳи Дой Минг хон тарафидан элчилар етиб келди, – деб қайд этилади [1: 222–224].

Айнан шундай вазият Амир Темур салтанати ҳукумронлигига бўйсунувчи ҳудудлардан элчилар Шоҳруҳ мирзонинг тахтга ўтириши муносабати билан табриклаш учун келганликлари “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарида келтирилади: Амир Темурдан сўнг, Шоҳруҳ фарзанди Мирзо Улуғбекка Мовароуннаҳр бошқарувини топшириб, ўзи Темурий салтанатининг асосий ҳукмронлигини Ҳиротга кўчирганини эълон қилади. Шундан сўнг Темур салтанатига бўйсунувчи “вилоятлардан бир неча кунгача бирин-кетин элчилар кела берадилар ҳамда муносиб совғаларни тақдим қилиб, ўз ҳокимлари сўзини улуғ амирлар орқали (ҳоқони саидга) арзга етказиб турдилар; жаҳон паноҳи бўлмиш даргоҳ жаҳон маликларининг саждагоҳига ва Эрон ҳам Турон улуғларининг бўса жойига айланди”, [1: 188–189] деб қайд этилган.

Замонавий даврдаги манба ва луғатларда, яъни “Ўзбек тилининг этимологик луғатида (туркий сўзлар)” элчи бир давлатнинг бошқа бир давлатда фаолият кўрсатувчи юқори мартабали расмий вакили деб келтирилган [26: 463]. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “элчи” бир суверен давлатнинг бошқа бир суверен давлатдаги дипломатик вакилининг энг катта мартабаси, унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс – фавқулодда ва мухтор элчи. Тарихда шоҳ томонидан бирор топшириқ билан юборилган кишига ҳамда урушаётган томонларнинг ўзаро музокара олиб бориши учун юборилган вакилига нисбатан қўлланилиши келтирилган. Шу билан бирга “элчилик” – элчи иши, вазифа-лавозими; бирор элга, халққа хос расм-русум, тартиб-қоидалар маъноларида келиши билдирилган [37: 34–35].

Исмет Зеки Эюбўғли томонидан ишлаб чиқилган “Турк тилининг этимологик луғати”да “элчи” эски туркчада “ил” (тинчлик) ва унга от ясовчи *–чи* аффикси билан “илчи” сўзи ясалиб, асл маъноси яхшилик қилувчи, тинчлик сақловчи, тинчликсевар, хайрихоҳ сифатида келтирилган. “Эл” сўзи миллат, давлат, бегона маъноларини

бериб, ундан ясалган “элчи” сўзи эса халқ оғзаки тилида воситачи, ўртага тушувчи маъноларни бериши қайд этилган [48: 106].

Ҳозирги даврда ўзбек тилига нисбатан қўшни давлатлар – Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ҳамда қардош давлатлар – Озарбайжон ва Туркияда элчи/элчилик сўзларининг қўлланилишини қиёсий ўрганишда қуйидаги фарқларни кузатиш мумкин.

“Қозоқча-русча луғат”да: “елші” [элши] – *элчи, вакил*; “елшілік” [элшилик] – *элчихона, ваколатхона* [6: 58–59] ҳамда амалиётда Қозоғистоннинг хориждаги элчиси ва элчихонасининг ёзилишини қуйидаги мисолларда кузатиш мумкин: Тілеуберді Мұхтар Бескенұлы Қазақстан Республикасының Аустрия Республикасындағы Төтенше және Өкілетті Елшісі, Қазақстан Республикасының Вена қаласындағы халықаралық ұйымдар жанындағы Тұрақты өкілі (ўзбекчада: Тлеуберди Мухтар Бескенули Қозоғистон Республикасининг Австрия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси, Қозоғистон Республикасининг Вена шаҳридаги Халқаро ташкилотлар ҳузуридаги доимий вакили) [40].

“Қирғизча-русча луғат”да: *элчи* – *элчи, вакил, хабарчи*; *элчикана* – *элчихона*; элчилик – *элчи/вакил вазияти* ёки ваколати/миссияси деб берилган [19: 451] ҳамда амалиётда Қирғизистоннинг хориждаги элчиси ва элчихонасининг ёзилишини қуйидаги мисолларда кузатиш мумкин: Макеев Толенды Картанбаевич – Кыргыз Республикасынын Австрия Республикасындагы Атайын жана Ыйгарым укуктуу Элчиси, Бириккен Улуттар Уюмундагы, Европадагы коопсуздук жана кызматташтык боюнча уюмдагы жана Вена шаарындагы башка эл аралык уюмдардагы Кыргыз Республикасынын туруктуу өкүлү [39] (ўзбекчада: Макеев Тўленди Картанбаевич – Қирғиз Республикасининг Австрия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси, Қирғиз Республикасининг Венадаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлардаги доимий вакили).

Туркманистон Ташқи ишлар вазирлигининг веб саҳифасида элчи ва элчихона/ваколатхоналари қуйидагича қайд этилган: Türkmenistanyň Awstriýa Respublikasyndaky Ilçihanasy, Amannazarow Hemra Sapargylyjewiç, Adatdan daşary we Doly ygtyýarly Ilçi [Туркменистанин Австрийа Республикасиндаки Илчиханаси Аманназаров Хемра Сапаргилийевич Адатдан дашари ве Дўли игтийарли Илчи], таржимада:

Туркманистоннинг Австрия элчихонасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Аманназаров Ҳемра Сапаргилиевич. Шунингдек, веб саҳифада Туркманистоннинг БМТдаги доимий вакили қуйидагича келтирилган: Türkmenistanyň Birleşen Milletler Guramasynyň ýanyndaky hemişelik wekilhanasy, Adatdan daşary we Doly ygtyýarly Ilçi Ataýewa Aksoltan Toräýewna [30] (ўзбекчада: Туркманистоннинг БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхонаси, Фавқулодда ва Мухтор Элчи Атаева Аксўлтан Тўраевна).

Юқорида туркман, қозоқ ва қирғиз тилидаги элчи сўзи/атамаси ўзбек тилидаги ўқилиши билан деярли бир хил бўлиб, халқаро ва минтақавий ташкилотлардаги “доимий вакил” атамасининг қозоқ ва қирғиз тилларида ўзбек ва туркман тилларига нисбатан бир оз ўзгача ифода этилиши кузатилади. Масалан: қозоқчада – тұрақты өкілі [ўқилиши: турақти ўкили], қирғизчада – туруктуу өкүлү [ўқилиши: туруктуу ўкили]. Шунингдек, барча туркий тилларда “элчи” ва “вакил” атамалари қўлланилишига қарамай, озарбайжончада форсчадаги “сефир” ва “намоянда” атамалари қўлланилиши кузатилмоқда. Бунга сабаб, асосан, озарбайжон халқининг тарихан форс тилида сўзлашувчи кўп сонли Эрон аҳолиси билан қўшни бўлиб яшаб келиши натижаси деб қараш ҳам мумкин.

“Озарбайжонча-русча луғат”да: səfir [сэфир] – элчи, доимий вакил, вакил; səfirlik [сэфирлик] – 1) элчихона/ваколатхона; 2) элчи, вакил вазифалари деб қайд этилган [2: 367–368] ҳамда амалиётда: Rövşən Sadıqbəyli Azərbaycan Respublikasının Avstriya Respublikasında Fövqəladə və Səlahiyyətli Səfiri, eyni zamanda Azərbaycan Respublikasının ATƏT və BMT-nin Vyanada yerləşən təşkilatları yanında daimi nümayəndəsi [21] [ўқилиши: Рўвшэн Садиқбейли Азербайжан Республикасинин Австрия Республикасинда Фўвқеладэ вэ Селахийетли Сефири, эйни заманда Азербайжан Республикасинин АТЭТ вэ БМТ-нин Вйанада ерлешен тешкилатлари янинда даими нумайендеси].

“Туркча-русча луғат”да elçi – элчи, вакил; büyük elçi – фавқулодда ва мухтор элчи, мухтор вакил; orta elçi – вакил; мухтор вазир, маслаҳатчи, чопар; elçilik – элчихона; elçilik uzmanı – элчихона атташеси; elçilik ticaret uzmanı – элчихона савдо атташеси; büyük elçilik – элчихона; orta elçilik – ваколатхона/миссия, элчининг вазияти ёки вазифаси [28: 268] каби маънолар келтирилган. Бу сўз амалиётда,

яъни расмиятчиликда Туркияда қуйидагича икки усулда қўлланилишини кузатиш мумкин, масалан:

1. Türkiye Cumhuriyeti'nin Avusturya Büyükelçisi Ozan Ceyhun.
2. T.C. Viyana Büyükelçisi Ozan Ceyhun.

Ўқилиши:

1. Туркие Жумҳуриетинин Авустуря Буюк элчиси Ўзан Жейхун
2. Т.Ж. Вияна Буюк элчиси Ўзан Жейхун] [29]

Таржимада:

1. Туркия Республикасининг Австриядаги элчиси Ўзан Жейхун
2. Т.Р.нинг Венадаги элчиси Ўзан Жейхун.

Тарихий таҳлил асосида кўриб чиқилган “элчи” атамаси шуни кўрсатмоқдаки, қадимги даврда элчи нафақат давлат раҳбари, балки унинг бошқаруви остидаги маълум бир ҳудудий бошқарув раҳбари томонидан ҳам қўшни давлатлар ва ички ҳудудий бошқарув тизимлари ўртасида юборилиши кузатилган. Ушбу элчилар асосан чопар, хабарчи, вакил сифатида жуда қисқа муддатда маълум бир мактуб, махсус маълумот, оғзаки хабар ёки маълум бир махсус юкни тегишли манзилга етказиш вазифасини бажарган. Бунда элчи деб аталиши ўша давр тақазосига кўра “элчига ўлим йўқ” тамойилига риоя қилинганлиги сабабидандир, айниқса, муҳим ва ўша давр таҳликали вазиятларда элчидан кенг фойдаланилган. Албатта, бундай элчилар давлат ёки ҳудудий бошқарув раҳбарлари томонидан ваколатланган бўлиб, улар алоҳида дахлсизлик ҳуқуқлари билан таъминланганлар.

Элчилик / ايلچيليك.

Навбатдаги сўз “элчилик” атамаси бўлиб, унинг мазмуни “элчи” сўзидан кенг маънони билдириши билан ажралади. Ушбу атама ҳозирги вақтдаги ташқи сиёсат воситаларидан бири бўлган дипломатия соҳаси ҳамда элчихона фаолияти, вазифа ва функциялари маъносини бермоқда. Шу билан бирга, ҳозирги даврда кўпгина ОАВ хабарларида, вақтли ва илмий нашрларда дипломатия атамаси ташқи сиёсат тушунчасининг синоними қаторида қўлланилиши кузатилмоқда. Шунингдек, “элчилик” атамаси дипломатия, дипломатик атамалари билан боғлиқ ҳолда қўлланиладиган қўшма сўзлар туркумига ҳам тўғри келишини таъкидлаб ўтиш ўринли. Масалан, элчилик алоқалари/муносабатлари, элчилик музокаралари, элчилик

тартиб-қоидалари/расмиятчилиги, элчилик тили, элчилик ёзишмалари, элчилик ҳужжатлари ва б.

Ўзбекистон дипломатияси тарихи бўйича адабиётларда хорижий/чет эл давлатлари билан ҳозирги замондаги атамадаги дипломатик муносабатлар ўрнатишга доир жумла қуйидагича келтирилган “Туркистон сарҳадларида вужудга келган ва фаолият кўрсатган давлатлар ҳукмдорлари томонидан амалга оширилиб келинган дипломатик муносабатлар қадим замонлардан бошлабоқ “элчилик алоқалари” деб юритиб келинган. Бу тушунча узоқ ўтмишга эгадир” [35: 16]. “Буюк Турк хоқонлиги асосчиси Бумин қўшни мулклар билан элчилик алоқалари ўрнатишнинг тамал тошини қўйди. 542 йил унинг қароргоҳига Жужанларнинг душмани бўлмиш Ғарбий Вэй (Шимолий Хитой) ҳукмдори Тайцзудан элчи келди. Бир йилдан сўнг турк элчиси ушбу император қароргоҳига жавоб ташрифини амалга оширди”. [38: 46].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “элчилик” – *элчи иши, вазифа-лавозими; бирор элга, халққа хос расм-русум, тартиб-қоидалар* маъноларида келиши билдирилган [36: 34–35].

Айни пайтда қадимги туркий давлатлар бошқаруви тизимида “элчилик” атамаси кенг маънога эга бўлиб, ҳозирги даврдаги ташқи с*иёсат, дипломатия, халқаро савдо муносабатлари / ташқи савдо* ва бошқа халқаро муносабатларга тааллуқли соҳаларни қамраган ва тушунилган. Бунда ушбу атама ташқи сиёсат/халқаро муносабат-ларнинг қуйидаги йўналишларида қўлланилган:

1) ташқи сиёсат; икки томонлама ҳамкорлик; халқаро ҳамкорлик сифатида;

2) бир ва бир нечта элчилардан ташкил топган ёки маълум бир элчи бошчилигида хорижий ўлкага турли масалалар бўйича (музокаралар олиб бориш; шартнома, аҳднома, сулҳ тузиш; икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш; тахтга ўтиришни қутлаш; таъзия билдириш; элчилик тартиб-қоидалари / расмиятчилиги; махсус мактуб ёки шошилинч оғзаки хабар етказиш ва бошқа сабаблар бўйича) давлат раҳбари томонидан юборилаётган элчилик (умуман: “сиёсий”, “маданий”, “савдо-иқтисодий”, “ҳарбий-сиёсий” ва бошқа соҳалардаги элчилик);

3) бир давлат раҳбарининг муайян бир давлатга нисбатан элчилиги / ташқи сиёсати яъни, маълум бир давлат раҳбарининг маълум бир

давлатга ёки халқаро сиёсий масалага нисбатан элчилиги ёки элчилик фаолияти, масалан, Амир Темурнинг Олтин Ўрдага нисбатан элчилиги / дипломатияси; Амир Темурнинг Буюк ипак йўлида халқаро савдони ривожлантириш элчилиги / дипломатияси ва ҳ.к.

Кўпгина қадимги луғатларда "элчилик" атамасининг фақат таржимаси ёки қисқа, яъни "элчихона" ёки "элчи вазифаси" каби маъноларни бериши келтирилган бўлиб, унинг кенг маънога эга эканлигига эътибор қаратилмаган [10: 206; 25: 803–808; 45: 235–236; 52: 130]. Чунончи, "Бобурнома"да Султон Аҳмад мирзонинг Андижон қалъасига ҳужуми олдидан унинг ҳузурига Бобур томонидан элчилик юборилган [5: 20; 14: 73; 15: 38]. Элчиликка Султон Аҳмад мирзонинг Фарғона улусига босқинини тўхтатиш, масалани тинч йўл билан ҳал қилиш бўйича музокара олиб бориш ва сулҳ тузиб, ўзаро келишиш вазифалари юклатилган. Асарда элчиликка тақдим этилган аҳднома/сулҳнинг қисқа мазмуни келтирилган бўлиб, ундан ташқари Бобур томонидан Хожа Мавлонойи қози орқали Султон Аҳмад мирзога оғзаки хабар/маълумот ҳам етказилган бўлиши ҳақиқатдан ҳоли эмас.

Ушбу жумланинг француз, рус, турк тилларидаги ҳамда Ж. Лейден, У. Эрскинларнинг инглиз тилидаги таржималарида "элчи", "элчилик" ўлароқ қайд этилган бўлса, А. Беверижнинг таржимасида умуман "элчи" ёки "элчилик" сўзлари ишлатилмаганлигини кўриш мумкин.

"Элчилик" сўзи ёрдамчи сўз билан ҳам қўлланилишга мойил бўлиб, мураккаб сўз бирикмасини ҳосил қилади, яъни ҳозирги даврдаги дипломатик протокол, дипломатик маросим, дипломатик этикет, дипломатик тартиб-қоидалар, дипломатик расмиятчиликларга риоя қилиш маъноларини беради. Масалан, "... Дарвеш Муҳаммад сорбон экандурким, Мирзохон қошидин элчиликка келадур экандур.... Дейилдиким, тўра ва тўқа била элчилик қилурни қўйгил, бетакаллуфона келгил![1].

Тонгласи девон ўлтурғонда русум ва қоида била келиб, Мирзохон йиборган пешкашларни тортти" [5: 305; 15: 303–304].

[1] Тўқа-тўра (тўра ва тўқа) – расм-қоида, расмиятчилик [14: 512]. "... тўра ва тўқа била элчилик қилурни қўйгил, бетакаллуфона келгил!" – яъни, бу ерда "... дипломатик расмиятчиликни қўйиб, ҳурмат-эҳтиромларсиз кел!" – дейилмоқда.

Мазкур жумланинг инглиз, француз, турк, рус тилларидаги матнларида ўрганилаётган мазмунга яқин таржима қилинганлиги маълум бўлмоқда [6: 275; 50: 90; 51: 120–121; 54: 380; 57: 402].

Давлатчилик тизимининг тадрижий ривожланиши, яъни илк ўрта асрлар давлатчилигидан янги ўрта асрлар давлатчилик бошқаруви тизимига ўтиш жараёни сифатида қараш мумкин. Яқин ўтмишда тарихий "элчилик" атамаси ўрнига қадимги юнон тилидан кириб келган "дипломатия" атамаси ва сўз бирикмаларининг ишлатилиши, халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жаҳон тартибида ўрин олиши натижасида "элчилик" ўрнига кўпроқ ташқи сиёсат, элчихона, дипломатия, дипломатик ваколатхона атамалари қўлланилмоқда.

Хулоса ўрнида мазкур тадқиқот асосан *ил* ва *эл* сўзларининг қиёсий таҳлилига қаратилган ҳолда амалга оширилди. Ўрганишлар натижасида *ил* сўзининг қадимдан туркий халқлар ўртасида муомалада бўлиб келаётганлиги ва шу сўз орқали қабилалар ўртасида ҳозирги тил билан айтганда тинчлик дипломатияси асосида муносабатлар олиб борилган. Бунга юқорида кўплаб мисоллар келтириб ўтилди. Масалан, ҳозирги вақтда дипломатия, ҳалқаро муносабатлар давлатлар ўртасидаги ҳамкорликлар белгиси сифатида "Ер шари устида икки қўл сиқишиб туриши" расми/акси туширилган логоларнинг яратилиши қадимги туркий халқлардаги эллашмоқ (қўл сиқишмоқ) / келишмоқ сўзидан олинган деб қараш мумкин, яъни сулҳ, аҳдга асосан дўстона муносабатда бўлмоқ. Икки қабиланинг бошлиғи ўртасида қўл сиқишиш ва ўзаро муросага келишиб, ўзаро ҳурмат ва тинчлик-ҳотиржамликда кун кечириш, яхши қўшничилик муносабатларини амалга ошириб яшаш деб айтиш мумкин. Бу сўзларнинг асоси аждодларимиз томонидан яратилган кўпгина қадимий ёзма манбаларда қайд этилган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, *ил/эл, илчи/элчи, элчилик* сўзларининг тарихий-қиёсий, тизимли услублар орқали таҳлили амалга оширилди. Бунда туркий тиллар: ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, озарбайжон, турк, қозон-татар, уйғур ҳамда туркий бўлмаган мўғул, қалмиқ тилларидаги манбалар, шунингдек, хорижий тиллардан: инглиз, француз, немис ҳамда рус тилларида яратилган фундаментал асарлар ва луғатлар ўрганиб чиқилди. Мазкур сўзларнинг атрофлича ўрганилиши натижасида, Ўзбекистонда ҳамда қўшни давлатларда тадқиқот ишлари мавжуд, аммо соҳанинг батафсил тафсилотлари

билан илмий ишланмалар жуда оз миқдорда амалга оширилганлиги, туркий бўлмаган инглиз, француз, рус тилларидаги илмий манбалар салмоқли эканлигини қайд этиб ўтиш ўринлидир. Шунингдек, ушбу йўналишда, айниқса, турк тилидаги ишлар кенг ўрганилганлиги билан ажралиб туриши маълум бўлди.

Эл сўзи қадимги даврдан ҳозирги вақтга қадар маълум бир ҳудуд аҳолиси, соҳа йўналишидаги инсонларга ва шу кабиларга нисбатан қўлланилмоқда. Бундан келиб чиққан ҳолда эл сўзи орқали ясалган элчи сўзи бирон-бир эл томонидан юборилган воситачига нисбатан қўлланилишига тўғри келиши ўрганилди. Шу билан бирга, эл сўзининг элчи, элчилик сифатида муомалада бўлиши кўпроқ янги ўрта асрларга келиб, давлатлар ўртасидаги савдо иқтисодий муносабатлар ва бошқа соҳаларда ҳамкорликнинг ривожланишини акс эттирмоқда.

Тадқиқотда ғарб олимлари томонидан амалга оширилган “Бобурнома” таржимасида *элчи* сўзининг қандай таржима қилинганлигига эътибор қаратилди. Маълумки, дипломатия соҳаси ёки элчи лавозими бирон-бир давлат ёки ҳукмдорнинг ташқи сиёсатини амалга оширишда фаолият олиб боради. Шу билан бирга, элчилик/дипломатия халқаро муносабатлар фанининг таркибий, ажралмас йўналишидан бири бўлиб, давлатлараро ёки кўп томонлама, яъни халқаро, минтақавий ташкилотларнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа йўналишларида намоён бўлади. Барчага маълумки амалга оширилган таржималарда, айниқса, А. Бевериджнинг “Бобурнома”-даги Моваруннаҳрда қайд этилган элчилик сўзлари инглиз тилида айнан элчи ўлароқ таржима қилинмаганлигини кузатиш мумкин. Чунки А. Беверидж бу воқеалар бир давлатнинг ичида бўлиб ўтишига кўра элчи сўзини қўлланмаган. У ушбу атамани ички лавозимларда қўлланилган атамалар орқали амалга оширган.

Тадқиқот натижасида туркий тиллардаги элчи сўзи ўзаги “ил”нинг ҳозир ҳам мавжудлиги, унинг тадрижий тараққиёти давом этаётганлиги яқин ўтмишдаги олимлар (В. Гумилёв ва бошқалар)нинг илмий-назарий тўхтамларига асосли жавоб берилди. Бу эса мавзунинг илмий янгилиги бўлиб, айрим кундалик ва вақтли нашрларда ҳамда дипломатия тарихига оид илмий ишланмалардаги хатоликларга чек қўйиш мақсадида олиб борилган таҳлил кейинги тадқиқотлар учун муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи бахрайн / Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Асомиддин Ўринбоев. II жилд, 1–3 қисмар. 1405–1470 йиллар воқеалари. – Тошкент, 2008.
2. Азәрбайчанча–русча лүғәт / Редакторү Н.Нүсейнов. – Баки, 1941.
3. Аттуҳфатуз закияту филлуғатит туркия [Туркий тил (қипчоқ тили) ҳақида ноёб туҳфа] / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. Масъул муҳаррир Ф.Абдуллаев. – Тошкент, 1968.
4. Ахмедов Б.А. Государство кочевых узбеков. – Москва, 1965.
5. Бабур-наме. Литография. – Казань, 1857.
6. Бабур-наме. Записки Бабура / Ответственный редактор С. Азимджанова, перевод М. Салье. – Тошкент, 1958.
7. Бектұров Ш., Бектұрова А. Қазақша-орысша сөздік. – Астана, 2001.
8. Бичурин Н.Л. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена / Отв.редактор С.П. Толстов. Т. I–II. – Москва–Ленинград, 1950.
9. Большой академический монгольско-русский словарь. В четырех томах / Под общ. ред. А. Лувсандэндэва и Ц. Цэдэндамба. – Москва, 2001.
10. Будагов З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. Т.I. – Санкт-Петербург, 1869.
11. Гумилёв Л.Н. Древние тюрки. – Москва, 2004.
12. Девону луғатит турк. Индекс-луғат / Ғ. Абдураҳмонов ва С. Муталлибовларнинг иштироки ва таҳрири остида. – Тошкент, 1967.
13. Древнетюркский словарь / Редакторы: В.М. Наделяев, Д.М. Насилов, Э.Р. Тенишев, А.М. Щербак. – Ленинград, 1969.
14. Заҳириддин Муҳаммад Бобир. Бобирнома / В.Зохидов сўз боши ва таҳрири. Нашрга тайёрловчилар П. Шамсиев, С. Мирзаев. – Тошкент, 1960.
15. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Масъул муҳаррир: М. Саъдий, махсус муҳаррир: Н. Комилов. – Тошкент, 2008.
16. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси / – Тошкент, 2014.
17. Калмыцко-русский словарь / Под ред. Б.Д. Муниева. Сост.: Э.Ч. Бордаев, Р.А. Джамбинова и др. – Москва, 1977.

18. Козин С.А. Сокровенное сказание. Монгольская хроника 1240 г. под названием Mongrol-un niruča tobčiyan. Юань чао би ши. Монгольский обыденный изборник. Т.I. / Введение в изучение памятника, перевод, тексты, глоссарии. Отв. ред. А.П. Баранников. Предисловие Н.Н. Поппе. – Москва-Ленинград, 1941.
19. Киргизско-русский словарь. В двух книгах. Около 40 000 слов / Сост. К.К. Юдахин. Кн.2, Л-Я. – Фрунзе, 1985.
20. Маҳмуд Кошғарий. “Девону луғатит турк.” (“Туркий сўзлар девони”) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. I жилд. – Тошкент, 1960.
21. Носируддин Бурҳониддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Биринчи китоб / Нашрга тайёрловчилар: Э.И. Фозилов ва бқ. Тошкент, 1990.
22. Озарбайжон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг веб саҳифасидан https://mfa.gov.az/files/MFA_June_2024.pdf
23. Персидско-русский словарь / Составители: М.Н. Османов, Д.Х. Дорри и др. Т. I. – Москва, 1985.
24. Пигулевская Н.В., Якубовский А.Ю., Петрушевский И.П., Строева Л.В., Беленицкий А.М. История Ирана с древнейших времен до конца XVIII века. – Ленинград, 1958.
25. Радлов В. Опытъ словаря тюркскихъ наречий. Т.I. Гласные. – Санкт-Петербургъ, 1893.
26. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий сўзлар). – Тошкент, 2000.
27. Скрынникова Т.Д. Статус и функции послов Чингис-хана // Altaic and Chagatay Lectures. Studies in Honour of Éva Kincses-Nagy. Edited by István Zimonyi. Szeged, 2021. – С. 371–379.
28. Турецко-русский словарь / Сост.: А.Н. Баскаков, Н.П. Голубева и др. – Москва, 1977.
29. Туркия Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг веб саҳифасидан https://viyana-be.mfa.gov.tr/Mission/ShowAnnouncement/408109.
30. Туркманистон Ташқи ишлар вазирлигининг веб саҳифаси https://www.mfa.gov.tm/tk/consulates (31.05.2024).
31. Түркменче-русча сөзлүк. / Сост.: Аксаков К. и др. – Москва, 1968.
32. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани / Нашрга тайёрловчилар: Д. Шораҳмедов, М. Аминов. – Тошкент, 2001.

33. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент, 2001.
34. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (“Саодатга йўлловчи билим”). Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф / Нашрга тайёрловчи: Қ. Каримов. – Тошкент, 1971.
35. Ўзбек дипломатияси тарихидан. Тарихий очерклар ва лавҳалар / Академик М.М. Хайруллаев умумий таҳрири остида. – Тошкент, 2003.
36. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / Таҳрир ҳайъати: Э. Бегматов ва бқ. II жилд. – Тошкент, 2006.
37. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / Таҳрир ҳайъати: Э.Бегматов ва бқ. V жилд. – Тошкент, 2008.
38. Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистон дипломатияси тарихи (Қадимги замонлардан ҳозирги кунгача) / Масъул муҳаррир: А.Х. Камилов. VI жилд. – Тошкент, 2019.
39. Қирғизистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг веб саҳифасидан https://mfa.gov.kg/ru/dm/posolstvo-kyrgyzskoy-respubliki-v-avstriyskoy-respublike--postoyannoe-predstavitelstvo-kyrgyzskoy-respubliki-pri-mezhdunarodnyh-organizaciyah-v-g-vena.
40. Қозоғистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги веб саҳифасидан https://www.gov.kz/memleket/entities/mfa/page/contacts/kontakty-zagranuchrezhdeniy-kazahstana?lang=ru.
41. Ғуломов А., Тихонов А., Қўнғуров Р. Ўзбек тили морфем луғати. – Тошкент, 1977.
42. Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими / Олий ўқув юртларининг филология факультетлари ўқитувчи ва талабалари учун қўлланма. – Тошкент, 2007.
43. Abû Hayyân. Kitab al-idrâk li-lisân al-Atrâk. Neşr. A.Caferoğlu, – İstanbul, 1931.
44. Bahaeddin Ögel. Türk kültürünün gelişme çağları. – İstanbul, 1971.
45. Dictionnaire turc-français: supplément aux dictionnaires publiés jusqu'à ce jour. Volume I / par A.-C. Barbier de Meynard. Paris, 1881.
46. Edward A. Allworth. The modern Uzbeks: from the fourteenth century to the present: a cultural history / Stanford University, 1990.
47. Eduard Chavannes. VI. Documents sur les Tou-kiue (Turcs) occidentaux. – St.Petersbourg, 1903.

48. Gerhard Doerfer. Türkische und Mongolische Elemente im Neupersischen. Band II. Franz Steiner Verlag GmbH, Wiesbaden, 1965.
49. İsmet Zeki Eyuboğlu. Türk dilinin etimoloji sözlüğü. Sosyal Yayınlar, İstanbul, 1988.
50. Memoires De Baber (Zahir-ed-din-Mohammed) Fondateur de la dynastie mongole dans l'Hindoustan. Traduits pour la premiere fois sur le texte djagatai par A. Pavet De Courteille. Tom premier. – Paris, 1871.
51. Memoirs of Zehir-ed-din Muhammed Babur Emperor of Hindustan Written by himself, in the Chagatai turki and translated by John Leyden, and William Erskine, annotated and revised by sir Lucas King. In two volumes. Volume I. – Humphrey Milford, 1922.
52. Pavet de Courteille. Dictionnaire turk-oriental. Destine principalement a faciliter la lecture des ouvrages de Babur, d'Abul-Gazi et de Mir-Ali-Chir-Nevai. – Paris, 1870.
53. Rachewiltz Igor de. Index to the Secret History of the Mongols. Indiana University Publications. Uralic and Altaic Series. Vol.121. – Bloomington, 1972.
54. Reşit Rahmeti Arat. Baburname – Babur'un hatıratı. I. İstanbul, 1970.
55. Reşid Rahmeti Arat. Kutadgu bilig. İstanbul, 1947.
56. Sir Gerard Clauson. An Etymological Dictionary of Pre-Thirteenth-Century Turkish. Oxford, 1972.
57. The Babur-nama in English (Memoirs of Babur). Translated from the original Turki Text of Zahiru'd-din Muhammad Babur Padshah Ghazi by Annette Susannah Beveridge. Vol. I. Luzac & CO. – London, 1922.
58. The Tarikh-i Rashidi of Mirza Muhammad Haidar, Dughlat. A history of the Moghuls of Central Asia / The translation by E. Denison Ross. – London, 1895.
59. Yusuf Has Hacib. Kutadgu bilig. Günümüz Türkçesine Uyarlayan Muzaffer Tunçel. Ankara, Gençlik spor yayınları, 2019.

Ҳ. НУРУТДИНОВ

“ЭЛЧИ”, “ЭЛЧИЛИК” АТМАЛАРИНИНГ ТАДРИЖИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ТАРИХИДАН

Мақолада қадимги даврдан ҳозирга қадар муомалада бўлиб келаётган элчи сўзига боғлиқ атамаларнинг тадрижий тараққиёт босқичлари ўрганилди. Тадқиқот давомида қадимги ва замонавий туркий тиллар луғатларидан фойдаланилган ҳолда ушбу атама ва унга боғлиқ сўз ўзаги ва иборалар тизимли таҳлил қилинди. Тарихий манбаларда қайд этилган мазкур сўз, ибора ва жумлалар ҳозирги давр нуқтаи назаридан кўриб чиқилди.

Мақолада асосан элчи, элчилик сўзларининг ўзаги бўлган “ил/эл”га нисбатан таҳлил ишлари амалга оширилди. Бунда бир қатор хорижий, маҳаллий манбалар ўрганилиб, қиёсий тадқиқ қилинди. “Ил/эл” сўзларига нисбатан яқин ўтмишдан, ҳозирга қадар очиқ қолиб келаётган хорижий ва маҳаллий илмий тўхтамга асосли таҳлиллар берилди. Шунингдек, элчи, элчилик сўзларининг дипломатия соҳасига оид қўлланилиши тарихий нуқтаи назаридан ёритилди.

Калит сўзлар: *ил/эл, илчи/элчи, элчилик, тинчлик, дипломатия тарихи.*

Х. НУРУТДИНОВ

ИЗ ИСТОРИИ ЭВОЛЮЦИОННОГО РАЗВИТИЯ ТЕРМИНОВ «ЭЛЧИ» И «ЭЛЧИЛИК»

В статье рассмотрены этапы развития терминов, связанных со словом «элчи» (посол), которое существует с древнейших времен до наших дней. В ходе исследования данный термин и связанные с ним корни и выражения были систематически проанализированы с использованием словарей древних и современных тюркских языков. Эти слова, фразы и предложения, зафиксированные в исторических источниках, были изучены и проанализированы с современной точки зрения.

В статье в основном анализируются корневые слова ил/эл, которое является ядром слов «элчи» и «элчилик» (посольский). Были изучены ряд зарубежных и местных источников и проведены сравнительные исследования. Предоставлены анализы, основанные на зарубежных и отечественных научных данных относительно слов il/el, которые оставались открытыми с недавнего прошлого до настоящего времени. Также рассмотрены историческое использование слов «посол» и «посольский» в сфере дипломатии.

Ключевые слова: *ил/эл, илчи/элчи, элчилик, мир, история дипломатии.*

H. NURUTDINOV

FROM THE HISTORY OF THE EVOLUTIONARY DEVELOPMENT OF THE TERMS “ELCHI” AND “ELCHILIK”

The article examines the stages of development of terms related to the word ambassador, which has existed from ancient times to the present day. During the study, this term and its related roots and expressions were systematically analyzed using dictionaries of ancient and modern Turkic languages. These words, phrases and sentences recorded in historical sources were studied and analyzed from a modern point of view.

The article mainly analyzes the root words il/el, which is the core of the words "elchi" and "elchilik" (ambassador, ambassadorial). A number of foreign and local sources were studied and comparative studies were conducted. Provided are analyses based on foreign and domestic scientific data regarding the words il/el, which have remained open from the recent past to the present. Also considered are the historical uses of the words "elchi" and "elchilik" in the field of diplomacy.

Keywords: *il/el, ilchi/elchi, elchilik, peace, history of diplomacy.*